

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ИСЛАМОВА МАФТУНА ШАРОФИДДИНОВНА

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ КИМЁВИЙ
БИЛИМЛАР АСОСИДА КАСБИЙ ДУНЁҚАРАШИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (кимё)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Исламова Мафтуна Шарофиддиновна

Умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг кимёвий билимлар асосида касбий
дунёқарабини шакллантириш методикаси 3

Исламова Мафтуна Шарофиддиновна

Методика формирования профессионального мировоззрения учащихся средней
школы на основе химических знаний 21

Islamova Maftuna Sharofiddinovna

Methodology for the formation of professional worldview of high school students
based on chemical knowledge 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ИСЛАМОВА МАФТУНА ШАРОФИДДИНОВНА

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ КИМЁВИЙ
БИЛИМЛАР АСОСИДА КАСБИЙ ДУНЁҚАРАШИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (кимё)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2021

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Ped1958 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.chdpi.uz.ilmiy-kengash) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида www.ziynet.uz жойлаштирилган.

| | |
|----------------------------|---|
| Илмий раҳбар: | Химматалиев Дўстназар Омонович педагогика фанлари доктори (DSc), доцент |
| Расмий оппонентлар: | Файзиев Воҳид Бахромович биология фанлари доктори (DSc) |
| | Шерназаров Искандар Эргашович педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) |
| Етакчи ташкилот: | Наманган давлат университети |

Диссертация ҳимояси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ҳузуридаги DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41; e-mail: chdpi-kengash@umail.uz)

Диссертация билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41)

Диссертация автореферати 2021 йил “_____” _____ куни тарқатилди.
(2021 йил “___” _____ да _____ - рақамли реестр баённомаси).

Ж.Э.Усаров
илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, п.ф.д. (DSc)

Д.М.Махмудова
илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, п.ф.ф.д. (PhD)

Р.А.Эшчанов
илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳонда ўқувчиларни техноген тараққиётга муваффақиятли мослашувини таъминлаш, иқтисодийнинг реал соҳаларига мувофиқ равишда таълим олувчиларни мақсадли касбга тайёрлаш, табиий фанлар имкониятларини кенгайтириш асосида касбий дунёқаришини босқичма-босқич шакллантириб боришга катта аҳамият қаратилмоқда. Айниқса, ўқувчиларда махсус билимлар, табиий, шу жумладан, кимё фанига қадриятли йўналганликни таркиб топтириш, касбий фаолиятга объектив ва субъектив муносабатлар тизимининг уйғунлигини таъминлаш, таълим олувчиларнинг ижтимоий - иқтисодий фаоллиги ҳамда унинг асосини ташкил этувчи ўқув материаллари мазмуни билан интеграциясини қарор топтириш муҳим долзарблик касб этади. Замонавий шароитда ўқувчиларда касбий дунёқарашни шакллантиришда креативлик, акмеологик, витагенлик каби тамойилларга катта аҳамият берилмоқда.

Дунё илм-фанини ривожлантиришда табиий фанларни гуманитаризациялаш асосида ўқувчиларнинг касбий қизиқиши ва қобилиятларини ривожлантириш, модулли ёндашув асосида ўқув фанларини касбга йўналтириб ўқитишнинг педагогик тизимини такомиллаштириш, қайта алоқа тамойили асосида таълим олувчиларнинг касбий дунёқарашини шакллантириш методикасини ишлаб чиқишга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Умумтаълим фанларини касбга йўналтириб ўқитишда синхрон ва асинхрон интеграцияни таъминлаш, ҳаётий кўникмаларни кимёвий билимлар асосида таркиб топтиришнинг интернал мотивацияга асосланган дидактик шарт-шароитларини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Шу жумладан, ўқувчиларни касбий фаолиятга мақсадли тайёрлашга доир вариатив таълим мазмунини дидактик лойиҳалаш, ўқувчиларни касбий идентификациялаштиришнинг методик таъминотини такомиллаштириш муҳим долзарблик касб этади.

Республикамизда умумий ўрта таълим тизимига вариатив ўқув дастурларини жорий этиш, ўқувчиларни мақсадли касб-хунарга ўргатишнинг инновацион шакллари татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, “Кичик ёшдан ўқувчиларда ўқишга соғлом, кучли ва таъсирчан мотивацияни шакллантириш ҳамда касб танлаш, касбий ўсишини мустақил режалаштириш, замонавий касбларни эгаллаш қобилиятини ривожлантириш, касбий таълим жараёнини ташкил этишда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ҳамда халқаро бозорда талаб катта бўлган мутахассисликлар бўйича йирик тижорат ташкилотларини жалб қилиш”¹ устувор вазифалар сифатида белгилаб олинган. Бу эса ўқувчиларда касбий дунёқарашни шакллантиришнинг тузилмаси ва методик хусусиятлари, кимёвий билимларни ўзлаштириш ва амалиётда қўллашнинг алгоритмик

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.04.2019 й., 06/19/5712/3034-сон.

босқичларини аниқлаштириш, кимёвий билимлар асосида ўқувчиларнинг касбий дунёқарашини шакллантиришнинг методик шарт-шароитларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ - 5712-сон “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон “Ёшларни маънавий - ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сон “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I.“Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий - маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда таълим олувчиларнинг дунёқарашини шакллантиришнинг илмий асослари А.Боботаев, Р.Джураев, М.Мухамеджанова, Ш.Самиева, А.Турашбеков, А.Хатамовлар, кимё фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш М.Ажиева, Ф.Алимова, Н.Анварова, Л.Зайлобов, Ҳ.Мавлонов, Ш.Мамажонов, Ш.Миркомиллов, Х.Омонов, Н.Рахматуллаев, М.С.Шарипов, Э.Эшчанов, О.М.Ёриевлар, ўқувчиларни касбга йўналтириш масалалари Р.Бакиева, С.Сайитов, О.Сманбаев, А.Хаитовлар тадқиқотларида муайян даражада ўрганилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари олимларидан Е.Астрейко, С.И.Бекетова, А.Бортник, З.Воинкова, Р.Гайсин, И.Н.Голицина, А.Жохов, М.Захарян, Ф.Зейналова, Н.В.Колкова, И.Н.Сиземскаялар мактаб ўқувчиларининг илмий дунёқарашини шакллантиришнинг педагогик - психологик асослари, Е.Артемяева, В.Я.Вивюрский, А.Грабецкий, О.Горбунова, О.Зайцев, Н.Кузьменко, В.Лаврова, В.Лунин, Т.Назарова, О.Рижовалар кимёвий билимларни самарали ўзлаштиришнинг методик жиҳатлари, Р.Абдулгалимов, В.Борисов, С.Борисова, И.Гребенев, Т.Кафаров, Ю.Масленникова, В.Романова, Д.Тарасовлар ўқувчиларда касбий дунёқарашни шакллантириш масалаларини тадқиқ этишган.

Хорижлик олимлардан Russell Bertrand (Буюк Британия), А.Carlsson (Швеция), К.Rodjers (АҚШ), С.Shleti (АҚШ)лар илмий ва фалсафий дунёқараш, таълим олувчиларда касбий идентификацияни ривожлантириш масалаларини ёритиб беришган.

Умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини

бошқариш, уларни касбий йўналтириш жараёни кўп омилли ва ўзига хос ижтимоий, педагогик, психологик хусусиятларга эга. Мактаб ўқувчиларини касбга йўналтириш, касбий қизиқиши ва лаёқатини ошириш бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган, бироқ кимёвий билимлар асосида касбий дунёқарашни шакллантириш методикасини такомиллаштириш масаласи махсус тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01-729 “Педагогик таълим инновацион кластерининг илмий-назарий асосларини яратиш ва уни амалиётга жорий этиш механизмларини ишлаб чиқиш” (2018-2021 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг кимёвий билимлар асосида касбий дунёқарашини шакллантириш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг кимёвий билимлар асосида касбий дунёқарашини шакллантиришнинг методик ўзига хосликларини аниқлаштириш;

кимё фанини ўқитиш жараёнида ўқувчиларда политехнологик фикрлаш кўникмасини ривожлантиришнинг ташкилий-педагогик тузилмасини ишлаб чиқиш;

умумтаълим мактаблари ўқувчиларида кимёвий билимлар асосида касбий дунёқарашни шакллантириш моделини ишлаб чиқиш;

кимёвий билимлар асосида ўқувчиларда касбий дунёқарашни шакллантиришнинг методик шарт-шароитларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг кимёвий билимлар асосида касбий дунёқарашини шакллантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Жиззах, Навоий, Тошкент ва Самарқанд вилоятларининг 448 нафар 9-11-синф ўқувчилари иштирок этди.

Тадқиқот предметини умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг кимёвий билимлар асосида касбий дунёқарашини шакллантириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда муаммога доир адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш ва таҳлил этиш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш, педагогик кузатув, анкета, суҳбат, педагогик эксперимент, натижаларни математик ва статистик таҳлил этиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг кимёвий билимлар асосида касбий дунёқарашини шакллантиришнинг методик жиҳатлари жараёнли, муаммоли-мазмунли, ташкилий-технологик, натижавий-мезонли компонентларнинг кимё фанининг мажбурий ва электив мазмуни билан қайта алоқага киришув даражасининг эмпириклик жиҳатини бевосита ҳисобга олиш орқали аниқлаштирилган;

кимё фанини ўқитиш жараёнида ўқувчиларда политехнологик фикрлаш кўникмасини ривожлантиришнинг ташкилий-педагогик босқичлари илмий тушунча ва далилларни ўзлаштириш, кимёвий билимларни аниқ вазиятларда қўллаш олиш, витаген ва прагматик педагогиканинг имкониятларини кенгайтириш орқали ҳаётий кўникмалар сифатида барқарорлигини таъминлашнинг адаптив методикасини ишлаб чиқиш орқали такомиллаштирилган;

умумтаълим мактаблари ўқувчиларида кимёвий билимлар асосида касбий дунёқарашни шакллантириш моделининг натижавий компоненти касбий-мослашувчанлик, лойиҳавий-натижавий, политехнологик фикрлаш даражаларининг аксиологик, ижодий-когнитив, операцион-фаолиятли мезонлар билан валидлик ва ишончлилик аломатларининг идентифлиги виртуал лаборатория шароитида квалиметрик баҳолаш орқали такомиллаштирилган;

кимёвий билимлар асосида ўқувчиларда касбий дунёқарашни шакллантиришнинг методик шартлари касбий йўналтирилган жараённинг мақсадли ташкил этилганлиги, таълим мазмунининг касбий-технологик вариативлигини таъминлаш, касбий фаолиятни ташкил этишнинг хусусий-методик даражага асосланган технологиясини махсус электрон ресурслар асосида педагогик лойиҳалаш орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

кимё фанини ўқитишнинг интерфаол шакллари умумий ўрта таълимга мослаштириш орқали ўқувчиларда политехнологик фикрлашни шакллантириш методикаси ишлаб чиқилган;

ўқувчиларни касбга йўналтириш ва касбий дунёқарашини шакллантиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан “Педагогик конфликтология” ҳамда “Педагогик маҳорат” номли ўқув қўлланмаларни яратишда фойдаланилган;

кимё фанини ўқитиш жараёнида ўқувчиларда касбий дунёқарашни ривожлантиришнинг электрон ўқув-услубий таъминоти ишлаб чиқилган;

кимёвий билимлар асосида ўқувчиларда касбий дунёқарашни шакллантиришни ривожлантиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги. Тадқиқотда қўлланилган замонавий усуллар ва илмий ёндашувлар асосида олинган натижаларнинг назарий маълумотларга мос келиши, методологик базасининг таъминлангани, олинган эмпирик миқдорларнинг математик статистиканинг ишончли усуллари ёрдамида таҳлил қилингани, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кимё фанини ўқитиш жараёнида ўқувчиларни касбий дунёқарашини шакллантиришнинг методик хусусиятларининг очиб берилгани, мактабда электив таълимни жорий этишнинг методик шарт-шароитларининг назарий жиҳатдан белгилаб берилгани, умумтаълим мактабларида кимё фанини ўқитиш жараёнини касбий йўналтириш билан

уйғунлаштириш мазмунининг ёритилгани, ўқувчиларда касбий дунёқарашнинг ривожланганлигини баҳолаш мезонларининг ишлаб чиқилгани, кимёвий билимлар асосида ўқувчиларда касбий дунёқарашни ривожлантиришга таъсир этувчи омилларнинг аниқлаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кимёвий билимлар асосида ўқувчиларда касбий дунёқарашни ривожлантириш модели, виртуал лаборатория машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш методикасининг такомиллаштирилгани, кимё фанини ўқитишда замонавий педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш йўллариининг ишлаб чиқилгани билан белгиланади. Тадқиқот натижаларидан умумий ўрта таълим мактабларида кимё фанини ўқитиш, педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида модуллар мазмунини такомиллаштириш, ўқитувчилар учун кимё фанидан қўлланмаларни яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг кимёвий билимлар асосида касбий дунёқарашини шакллантириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг кимёвий билимлар асосида касбий дунёқарашини шакллантиришнинг методик жиҳатларини жараёнли, муаммоли-мазмунли, ташкилий-технологик, натижавий-мезонли компонентларнинг кимё фанининг мажбурий ва электив мазмуни билан қайта алоқага киришув даражасининг эмпириклик жиҳатини бевосита ҳисобга олиш орқали аниқлаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан узлуксиз таълимда кимё фанини ўқитиш Концепциясини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги таълим сифатини назорат қилиш давлат Инспекциясининг 2021 йил 19 июлдаги 03-764-сон маълумотномаси). Натижада кимё фанини касбга йўналтириб ўқитишнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлашнинг методик таъминотини такомиллаштиришга хизмат қилган;

ўқувчиларда политехнологик фикрлаш кўникмасини ривожлантиришнинг ташкилий-педагогик босқичларини илмий тушунча ва далилларни ўзлаштириш, билимларни аниқ вазиятларда қўллай олиш, витаген ва прагматик педагогиканинг имкониятларини кенгайтириш орқали ҳаётий кўникмалар сифатида барқарорлигини таъминлашнинг адаптив методикасини ишлаб чиқиш орқали такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан педагогика олий таълим муассасалари бакалавриат йўналишлари учун “Педагогик маҳорат” ўқув қўлланмасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги 359-сон буйруғи, 359-132 рақамли гувоҳнома). Натижада бўлажак кимё ўқитувчиларининг касбий маҳоратини ривожлантириш самарадорлигини оширишга эришилган;

умумтаълим мактаблари ўқувчиларида кимёвий билимлар асосида касбий дунёқарашни шакллантириш моделининг натижавий компонентини касбий-мослашувчанлик, лойиҳавий-натижавий, политехнологик фикрлаш даражаларининг аксиологик, ижодий-когнитив, операция-фаолиятли мезонлар билан валидлик ва ишончлилик аломатларининг идентифлигини виртуал

лаборатория шароитида квалиметрик баҳолаш орқали такомиллаштиришга доир тавсиялардан ўқувчиларни касбий йўналтириш жараёнида юзага келадиган объектив ва субъектив низоларни коррекциялаш мақсадида педагогика олий таълим муассасалари бакалаврият йўналишлари учун “Педагогик конфликтология” ўқув қўлланмасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 237-сон буйруғи, 237-137 рақамли гувоҳнома). Натижада таълимни ахборотлаштириш шароитида юзага келадиган касбий-инновацион низоларни бартараф этишнинг квалиметрик жиҳатини такомиллаштиришга хизмат қилган;

кимёвий билимлар асосида ўқувчиларда касбий дунёқарашни шакллантиришнинг методик шартларини касбий йўналтирилган жараённинг мақсадли ташкил этилгани, таълим мазмунининг касбий-технологик вариативлигини таъминлаш, касбий фаолиятни ташкил этишнинг хусусий-методик даражага асосланган технологиясини махсус электрон ресурслар асосида педагогик лойиҳалаш орқали такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан ПЗ-2017-0927124 “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” (2017-2019 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳани ишлаб чиқишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 28 январдаги 02 02/5-237-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчиларда касбий дунёқарашни ривожлантиришнинг кооператив электрон-методик таъминотини такомиллаштиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 36 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, 130 саҳифа матн, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертация мавзуси бўйича муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети шакллантирилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларининг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар ёритилган.

Диссертациянинг “**Мактаб ўқувчиларида кимёвий билимлар асосида касбий дунёқарашни шакллантиришнинг назарий асослари**” номли биринчи бобида мавзунинг давлат аҳамиятига эга бўлган долзарб масалалардан бири эканлиги қуйидагиларга кўра кўрсатиб берилган: кимё фанини ўқитишни касбга йўналтириш билан уйғунлаштириш орқали ўқувчиларда касбий дунёқарашни шакллантириш давлат эътиборидаги муаммолардан бири эканлиги; умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг кимёвий билимлар асосида касбий дунёқарашини шакллантиришнинг мавжуд ҳолати ҳамда кимё фанини ўқитишни такомиллаштиришнинг аҳамияти асосланган; касбга йўналтиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва ўқувчиларда кимёвий билимлар асосида касбий дунёқарашни шакллантиришнинг назарий асослари ёритиб берилган.

Кимё – бу моддалар, уларнинг тузилиши, таркиби ва хоссаларини ўрганадиган табиий фандир. Кимёвий қонунлар ва назариялар бошқа боғлиқ табиий ва техник фанларнинг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, кимё ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, ҳар бир инсон ва умуман жамият эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ.

Кимёвий билимлар умумий инсоният маданиятининг муҳим қисмидир ва цивилизациянинг барқарор ривожланишига катта ҳисса қўшади. Агар кимёвий билимлар мазмуни аниқроқ режалаштирилган бўлса, касбий характеристикалар прогнози аниқроқ бўлса, машғулотлар самарадорлиги таъминланади.

Мактаб ўқувчиларининг касбий дунёқарашини феномени, тузилиши бугунги кунда аниқланмаган. Кимёвий билимлар асосида таълим олувчиларнинг касбий дунёқарашини шакллантиришни ривожлантириш, ўзини такомиллаштириш ва касбий мослашиш жараёнлари билан уйғунликда шакллантириш жараёни педагогика фанида ҳанузгача етарлича ўрганилмаган.

Кимёвий билимлар асосида касбий дунёқарашни шакллантириш интеллектуал билимлар асосида, ҳар хил дунёқарашларнинг ўзаро таъсири натижасида, онгли равишда фундаментал ғоялар, тамойилларни назарий ривожлантириш орқали шаклланиши мумкинлиги асосланди.

Касбий дунёқараш – бу дунёқарашлар тизими бўлиб, у тизимли омиллар, муайян касбнинг ижтимоий қадриятлари, касблар ҳақида яхлит фикрлашнинг асоси эканлигига мос равишда, ўқувчиларда кимёвий билимлар асосида касбий дунёқарашни шакллантиришни самарали амалга ошириш шартлари ишлаб чиқилди.

Ўқувчиларнинг касбий дунёқарашини шакллантириш, билимларни ўзлаштиришнинг мазмуни ва усулларини касбий, шахсий ривожланиш, ўз-ўзини ривожлантириш жараёнлари билан уйғунлаштирадиган технология ишлаб чиқиш, ўқувчининг касбий дунёқарашини шакллантириш мезонлари назарий аниқланди.

Кимё фанини ўқитиш жараёнини касбий йўналтириш билан уйғунлаштириш, педагогик ва психологик тадқиқотлар, политехнологик фикрлаш кўникмасини шакллантириш, мактабда электив таълимни жорий этиш, дарсда ва дарсдан ташқари машғулотларда ўқувчиларни касбга йўналтириш ишлари мазмуни илмий жиҳатдан педагогик таҳлил қилинди.

Ўқувчиларнинг касбий дунёқарашини шакллантиришда билимларни

ўзлаштиришнинг мазмуни ва усуллари касбий, шахсий ривожланиш жараёнлари билан уйғунлаштирадиган технология ишлаб чиқиш, ўқувчининг касбий дунёқарашини шакллантириш мезонлари назарий жиҳатдан аниқланди.

Диссертациянинг **“Кимёвий билимлар асосида мактаб ўқувчиларининг касбий дунёқарашини шакллантириш мазмуни ва методикаси”** деб номланган иккинчи бобида умумтаълим мактаблари ўқувчиларида касбий дунёқарашни шакллантириш жараёнини ташкил этиш мазмуни ёритилди. Кимёвий билимлар асосида ўқувчиларда касбий дунёқарашни шакллантириш методикасини ривожлантириш, ўқувчиларда политехнологик фикрлашни шакллантириш методикаси ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда кимёни ўқитишнинг устувор мақсади ўқувчиларни фаннинг асосий маълумотлари ва хулосалари билан таништириш, ушбу хулосаларнинг материя табиати ва атрофимиздаги ҳодисаларни тушуниш учун муҳимлигини англашдан иборат. Демак, умумтаълим мактабларида кимёвий билимлар асосида касбий дунёқарашни шакллантиришда таълим - тарбия жараёнида ўқувчиларда касбий политехнологик фикрлашга эришиш муҳим аҳамиятга эга.

Илмий билиш жараёнида фактлар ва назарияларнинг ўзаро боғлиқлигига алоҳида аҳамият берилди. Назарий материални танлаш, кимёвий билимларнинг умумий тизимида илмий изланиш, фактлар ва назарияларнинг ўзаро боғлиқлиги, кимёвий тушунчаларни ўрганиш кетма - кетлиги, ҳодисалар моҳиятини эксперимент асосида очиб бериш, ўқувчиларга кимёвий кўникмаларини сингдириш зарурияти ва ўрганилган ҳодисалар қонунларини умумлаштириш кимё назариясининг ривожланиши, дунёқарашни шакллантириш муаммосига илмий ёндошиш ўқувчиларда касбий дунёқарашни шакллантиришга хизмат қилади.

Касбий дунёқарашни шакллантириш, кимёвий билимлар асосида политехнологик фикрлаш кўникмасининг барча компонентлари ва сифатий характеристикалари ўзаро яқин боғланганлиги ҳамда ўқувчиларнинг кимёвий билимлар ва интеллектуал кўникмаларни эгаллашда уларнинг барқарор бирлигидан келиб чиққан ҳолда уларда касбий политехнологик фикрлаш кўникмасини шакллантириш компонентлари ишлаб чиқилди.

Кимё фанини ўқитиш машғулотида касбий дунёқарашни шакллантиришга хизмат қилувчи касбий политехнологик фикрлаш кўникмасининг тушунчали ва образли компонентларини шакллантириш ва унинг шаклланганлик даражасини баҳолаш учун реал ўқув жараёнини ташкил этишда бир-бирини тўлдириши лозим бўлган услублардан фойдаланиш усуллари тадқиқ этилди.

Кимёвий билимлар тизимида таълим жараёнига реал жараёнлар ва моддаларни акс эттиришни, шунингдек, улар ўртасидаги муносабатларни аниқлашни ўз ичига олувчи фаннинг принциплари, электив таълим (лотинча “elektus” – танлаб олинган) – ўқувчининг танлови бўйича умумий ўрта таълимнинг юқори босқичида ихтисослаштирилган таълим ва электив ўқув курси машғулоти ўтказилди ва ўқитувчи фойдаланадиган асосий тузилмавий элементлар ва ташкилий қисмлари аниқланди (1-расмга қаранг).



**“ЭЛЕКТИВ”
ЎҚУВ КУРСИ**

ГИДРОКИМЕЎГАР ТАЖРИБАЛАРИ

Сувнинг қаттиқлиги ва уни юмшатиш усулларини Гидрокимёгар касби мисолида ўрганиш.
(9-синф Кимё)

Сув H_2O , унинг қаттиқлиги, юмшоқ ва қаттиқ сув тушунчалари (ионлар миқдорига кўра Ca^{2+} Mg^{2+}), сувнинг вақтинча қаттиқлиги ($Ca(HCO_3)_2$ $Mg(HCO_3)_2$), сувнинг доимий қаттиқлиги ($CaSO_4$ $MgSO_4$ $MgCl_2$) тушунчаларини ёритиб бериш.



Ушбу усул ўқувчига сувда ортиқча моддалар мавжудлигини аниқлашни ўргатади. Тоza шаффоф сув идишга солинади ва копкағи ёпилиб қоронғи жойда 3 кун муддатга қолдирилади. Агар 3 кундан сўнг сув юзасида шубҳали белгилар (сув сиртида плёнка, сув сатҳи деворида бўялиш, чўкма чўкиши) пайдо бўлган бўлса демак сув сифатсиз унинг таркибида кўп миқдорда металл тузлари мавжуд.


Одий $KMnO_4$ сувни ичишга яроқли эканлигини билишда ёрдам беради. Озроқ миқдорини сувда эритиб олинг ва сув сифатини баҳоланг. Сув оч пушти рангга кирса демак сувни истеъмол қилиш мумкин. Сув сариқ рангга кирса демак у ичишга яроқсиз. $KMnO_4$ органик моддаларни парчалаганда рангсизлашади.



1-расм. Электив ўқув курси доирасида кимёвий билимларни касбга йўналтириб ўқитиш методлари


Ўқувчиларнинг кимёвий билимларни билиш соҳасида политехнологик масалалар мажмуасини ечиш муваффақиятини ва касбий дунёқарашни шаклландириш баҳолаш мумкин бўлган ҳар бир категориянинг мазмуни, шаклландириш даражасини баҳолаш учун Б.Блум таксомониясидан фойдаланиб мезон ва кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилди.

Тадқиқот иши доирасида кимё фанини касбга йўналтириб ўқитишнинг инновацион технологиялари ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилди, умумтаълим мактабларида Virtual-Chemistry-Laboratory дастури ёрдамида виртуал лаборатория ишлари бажарилди (2-расмга қаранг).



2-расм. Virtual-Chemistry-Laboratory дастури ёрдамида виртуал лаборатория ишларини бажариш усуллари

Олиб борилган тажриба-синов ишлари натижасида умумтаълим мактаблари ўқувчиларида касбий дунёқарашни шакллантириш модели ишлаб чиқилди (3-расмга қаранг) ва унинг таркибий қисмларининг моҳияти ёритиб берилди.



3-расм. Ўқувчиларда касбий дунёқарашни шакллантириш модели

Мактаб ўқувчиларида кимёвий билимлар асосида касбий дунёқарашни шакллантириш модели қуйидагича модулларнинг ўзаро алоқадорлигини ўз ичига олади:

процессуал-методологик (ўқувчиларда касбий дунёқарашни шакллантиришда методологик ёндашув ва тамойилларни амалиётга жорий этиш хусусиятлари);

муаммоли-мазмунли (ўқувчиларда касбий дунёқарашни шакллантириш мазмуни: электив ўқув курслари, кластер тизимида касбга йўналтириш ишлари, ўқув фанлари тавсифи (табиати);

ташкилий-технологик (ўқув-амалий фаолиятни ташкил этиш, лойиҳавий, интерфаол методлар, тадбирлар, амалий ишлар, ўқувчилармустақил ва ижодий ишларини ташкил этиш, ўқувчилар политехнологик фикрлаш);

натижавий-мезонли (ўқувчиларда касбий дунёқарашни такомиллаштириш ҳаракатларини баҳолаш мониторинги).

Кимёвий билимлар асосида умумтаълим мактаблари ўқувчиларида касбий дунёқарашни шакллантиришнинг юқорида кўрсатилган тузилмасига мувофиқ, унинг шаклланишини баҳолаш мезонлари қуйидагилардан иборат:

аксиологик (касбий фаолиятга муносабат, касбни эгаллаш истаги ва бошқалар);

ижодий-когнитив (политехнологик тушунчаларни тизимли таҳлилинини амалга ошириш кўникмаси, политехнологик фикрлаш, масалаларни ҳал этишнинг ноанъанавий усулларини ишлаб чиқиш қобилияти, мустақил ижодий фикрлаш);

операцион-фаолиятли (фан, ишлаб чиқариш муаммолари ечимларини мустақил равишда топиш, фаолиятда янги инновацион ғояларни яратиш ва амалга ошириш қобилияти, кластер тизимида ўқувчилар илмий тадқиқот фаолияти шаклланиш ривожлантириш).

Ўқувчиларнинг ўқув билиш фаолиятини (виртуал лаборатория, электрон таълим ресурслари, электрон ўқув контент) ривожлантириш ва натижавий-мезонли (ўқувчиларда касбий дунёқарашни такомиллаштириш ҳаракатларини баҳолаш мониторинги), кимё фанини ўқитиш жараёнини касбий йўналтириш билан уйғунлаштириш, ўқув машғулотларида касбий дунёқарашни шакллантиришга хизмат қилувчи касбий фикрлаш кўникмасининг тушунчали ва образли компонентларини шакллантириш ва унинг шаклланганлик даражасини баҳолаш учун реал ўқув жараёнини ташкил этишда бир-бирини тўлдириши лозим бўлган услублардан фойдаланиш усуллари тадқиқ этилди.

Диссертациянинг “**Мактаб ўқувчиларини кимёвий билимлар асосида касбий дунёқарашини шакллантириш бўйича тажриба-синов ишлари натижалари**” деб номланган учинчи бобида ўқувчиларда кимёвий билимларни ўзлаштиришнинг касбий дунёқарашнинг шаклланиш даражасига таъсири, касбий дунёқарашни шакллантиришга йўналтирилган тажриба - синов ишларининг натижалари ва унинг самарадорлигини аниқлаш баён қилинган.

Тадқиқотнинг биринчи дастлабки (2017-2018 ўқув йили) босқичида умумтаълим мактаблари ўқувчиларида кимёвий билимлар асосида касбий дунёқарашни шакллантиришни ривожлантиришнинг илмий гипотезаси ишлаб

чиқилди, шу асосида тадқиқотни амалга ошириш режаси тузилди, тадқиқот муаммосининг ҳолати таҳлил қилинди ва мавзу бўйича илмий адабиётлар ўрганилди. Натижада тадқиқотнинг долзарблиги асосланди; муаммо, гипотеза ва тадқиқот мақсадлари шакллантирилди; илмий тадқиқот учун режа ва тузилма ишлаб чиқилди.

Иккинчи босқич (2018-2019 ўқув йили) – илмий-тажриба синовлар босқичи. Бу босқичда ўқувчиларнинг кимёвий билимлар асосида касбий дунёқарашини шакллантириш шартлари ва воситаларини аниқлаш, кимёвий билимлар асосида касбий дунёқарашни шакллантиришни ривожлантириш методикасини ишлаб чиқиш ва синаш, тадқиқот гипотезасининг асослилигини тасдиқловчи педагогик тажриба-синов ишларини ўтказишдан иборат бўлди.

Учинчи якуний (2019-2020 ўқув йили) босқичда педагогик тажриба-синов ишларининг натижаларини аниқлаш, назорат қилиш босқичлари натижаларини таҳлил қилиш, қайта ишлаш ва изоҳлашга бағишланган ишлар олиб борилди. Тажриба-синов ишлари учун объект сифатида Жиззах вилояти Ғаллорол тумани 9, 10-сонли умумтаълим мактаблари; Тошкент вилояти Олмалик шаҳри 14, 15-сонли умумтаълим мактаблари; Навоий вилояти Навоий шаҳри 6, 14, 16-сонли умумтаълим мактаблари; Самарқанд вилояти Пахтачи тумани 13, 14, 15-сонли умумтаълим мактаблари танланди.

1-жадвал

Тажриба-синов ишининг (2019-2020 ўқув йили) якуний натижалари

| № | Таълим муассасалари (вилоятлар кесимида) | Назорат гуруҳлари | | | | Тажриба гуруҳлари | | | | Т _{куз} қиймати | Критерийҳулосаси |
|---|--|-------------------|---------------------|------|-----------|-------------------|---------------------|------|-----------|--------------------------|------------------|
| | | Ўқувчилар сони | Ўзлаштириш даражаси | | | Ўқувчилар сони | Ўзлаштириш даражаси | | | | |
| | | | аъло | яхши | қониқарли | | аъло | яхши | қониқарли | | |
| 1 | Жиззах вилояти | 49 | 16 | 18 | 15 | 49 | 22 | 20 | 7 | 3,2 | Н1 |
| 2 | Тошкент вилояти | 59 | 19 | 24 | 16 | 59 | 23 | 30 | 6 | 3,4 | Н1 |
| 3 | Самарқанд вилояти | 56 | 18 | 20 | 18 | 56 | 24 | 23 | 9 | 4,1 | Н1 |
| 4 | Навоий вилояти | 60 | 18 | 22 | 20 | 60 | 25 | 27 | 8 | 6,7 | Н1 |
| | Жами: | 224 | 71 | 84 | 69 | 224 | 94 | 100 | 30 | | |

Ўтказилган тажриба-синов ишларида (ҳар ўқув йилида) умутаълим мактабларидан ўртача 448 нафардан ўқувчилар иштирок этишди ва улар мақсадли равишда 224 нафар тажриба ва 224 нафар назорат гуруҳларига ажратилди.



4-расм. Кимё фанидан ишлаб чиқилган махсус электрон таълим ресурслари

Тажриба гуруҳидаги ўқувчилар тажриба-синов давомида махсус ишлаб чиқилган дастурлар асосида электив ўқув курсларида электрон ўқув контент (электрон таълим ресурслари) (4-расм), Virtual-Chemistry-Laboratory компьютер дастури ва инновацион таълим технологиялари асосида ўқитилди. Тажриба-синов ишлари кимё фанини касбга йўналтириб ўқитиш ва электив ўқув курсларида ўқитиш бўйича олиб борилди, машғулотлар ишланмалари ва технологик хариталари, ҳар бир мавзу бўйича ўқув материаллари, савол ва топшириқлар, ўқувчилар билимини баҳолаш учун турли хил тестлар, назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш саволлари ҳамда амалий кўникмаларни баҳолаш топшириқлари ишлаб чиқилди.

Касбга йўналтирилган билимларнинг тўғрилиги ва изчиллиги, ўқув дастурида белгиланган ўқув фаолияти услублари, шунингдек, билим ва ўз-ўзини тарбиялаш усуллари бўйича кўрсаткичлар, билим ва кўникмаларни ижодий қўллашга тайёрлик, ўқув материали ҳамда ўқув жараёнида касбга асосланган муносабатнинг шаклланганлиги тажриба-синов ишлари натижасида аниқланди (1-жадвал, 5-расм).



5-расм. Педагогик тажрибанинг якуний босқич таҳлили диаграммаси

Кимё фанини касбга йўналтириб ўқитишнинг инновацион технологиялари асосида ўқувчиларда касбий дунёқарашни шакллантириш методикасининг самарадорлиги тажриба синов иши якунида аниқланди.

2-жадвал

Ўтказилган тажриба-синов натижалари (2019-2020 ўқув йили)

| Ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражалари | Тажриба гуруҳидан=224 X_i | | Назорат гуруҳидан=224 Y_i | |
|-------------------------------------|-----------------------------|-----------------|-----------------------------|-----------------|
| | Тажриба бошида | Тажриба охирида | Тажриба бошида | Тажриба охирида |
| Юқори | 73 (32,6 %) | 94 (42 %) | 64 (28,6 %) | 71 (31,7 %) |
| Ўрта | 85 (38 %) | 100 (44,6 %) | 72 (32,1 %) | 84 (37,5 %) |
| Қуйи | 66 (29,5 %) | 30 (13,4 %) | 88 (39,3 %) | 69 (30,8 %) |

Тажриба якунида эса умумтаълим мактаблари ўқувчиларида касбий дунёқарашни шакллантиришни такомиллаштириш давр талаблари асосида таъминлаш учун муайян технологик тизим асосида ўтказган тажриба-синов натижалари тажриба-синов охирида (1-жадвал) қуйидагича кўринишни олди (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал маълумотларини математик-статистик таҳлил қилиш учун Стьюдент-Фишер методи танланди. Тажриба ва назорат синфидаги баҳолаш натижаларини мос равишда 1 ва 2 – танланмалар деб олсак, қуйидаги вариацион қаторга эга бўламиз.

1 – танланма X_i : юқори (5) ўрта (4) қуйи (3)
(тажриба гуруҳи) t_i : 94 100 30 $m=224$.
2 – танланма Y_i : юқори (5) ўрта (4) қуйи (3)
(назорат гуруҳи) n_i : 71 84 69 $n=224$.

Демак, тажриба ва назорат гуруҳлари учун танланма модал қийматлари

мос равишда $MT=5$ ва $MH=3$, яъни улар орасидаги фарқ етарли даражада бўлиб, $MT>MH$ экан. Бу эса, ўз навбатида, бу танланмалар учун мос ўрта қийматлар ҳам $X>Y$ шартларни қаноатлантиришини олдиндан кўрсатади.

Уларни қуйидаги формулалар асосида ҳисоблаймиз:

$$\bar{X} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^{n=3} n_i x_i = \frac{1}{224} (94 \cdot 5 + 100 \cdot 4 + 30 \cdot 3) = \frac{1}{224} (470 + 400 + 90) = \frac{960}{224} = 4,3$$

$$\bar{Y} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^{n=3} n_i y_i = \frac{1}{224} (71 \cdot 5 + 84 \cdot 4 + 69 \cdot 3) = \frac{1}{218} (355 + 336 + 207) = \frac{898}{224} = 4$$

Юқоридаги натижаларга асосланиб тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз. Бизга маълумки, $\bar{X} = 4,3$; $\bar{Y} = 4$; $\Delta_m = 0,05$; $\Delta_H = 0,07$ га тенг. Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{\text{хсб}} = \frac{\bar{X} - \Delta_m}{\bar{Y} + \Delta_H} = \frac{4,3 - 0,05}{4 + 0,07} = \frac{4,25}{4,07} = 1,04 > 1;$$

$$K_{\text{одб}} = (\bar{X} - \Delta_m) - (\bar{Y} - \Delta_H) = (4,3 - 0,05) - (4 - 0,07) = 4,25 - 3,93 = 0,32 > 0;$$

Тажриба синов ишларининг якуний натижаларига кўра: назорат гуруҳида ўзлаштиришнинг сифат кўрсаткичи 69,2%ни, тажриба-синов гуруҳида эса, ўзлаштиришнинг сифат кўрсаткичи 86,6% фоизни кўрсатди. Назорат ва тажриба-синов гуруҳи ўртасида ўзлаштиришнинг сифат кўрсаткичидаги фарқ эса 17,4% (2-жадвал).

Ўтказилган педагогик тажриба-синов ишларининг натижаларини математик-статистик метод ёрдамида таҳлил этиш натижасида тажриба гуруҳларида назорат гуруҳига нисбатан ўқувчиларнинг “Кимё” фанидан ўзлаштириш кўрсаткичи ва таълим самарадорлиги юқори эканлиги маълум бўлди. Тажриба синов ишларининг якуний натижаларига кўра, жадваллар қиймати ва диаграммаларнинг кўриниши, математик ҳисоблашлар натижалари олиб борилган тадқиқот натижалари тажриба гуруҳларида самарали эканлигини кўрсатади.

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

1. Олиб борилган изланишлар ва таҳлиллар умумтаълим мактабларида кимё фанини ўқитиш жараёнида касбга йўналтириш орқали ўқувчиларда касбий дунёқарашни шакллантиришни ривожлантириш масаласи педагогик муаммо сифатида етарли даражада ўрганилмаганлигини кўрсатди.

2. Умумтаълим мактабларида кимё фанини ўқитишда политехнологик фикрлаш, электив ўқув курсларида кимёвий билимлар асосида касбий дунёқарашни шакллантиришнинг мазмунли-технологик хусусиятлари (кимёвий билимдонлик, касбий-техник, касбий-коммуникатив, лойиҳа-технологик, эргономик), касбий дунёқарашни шакллантиришда самара берадиган таълим методлари, шакл ва воситалари, шунингдек, кластер шароитида электив ўқув

курслари методикаси ҳамда виртуал лаборатория машғулотларини ўтказишга йўналтирилган электрон ўқув-услубий таъминот ишлаб чиқилди.

3. Кимё фанини ўқитишда ўқувчиларда касбий дунёқарашни шакллантиришнинг имкониятларини инобатга олиниб, ушбу фан мазмунида ўқувчиларга касбий билим, кўникма, малакалар, мулоҳаза, политехнологик фикрлашни ривожлантиришга кўмаклашувчи мавзуларни замонавий педагогик технологиялар асосида ўқитиш жараёни ташкил этилди ва кимё фанини ўқитиш жараёнини касбий йўналтириш билан уйғунлаштиришнинг фаолиятли-услубий механизмларининг ташкилий компонентлари (режалаштириш, лойиҳалаштириш, амалга ошириш ва баҳолаш) мазмунида касбий дунёқарашни шакллантиришни ривожлантириш модели такомиллаштирилди.

4. Кимёвий билимлар асосида ўқувчиларда касбий дунёқарашнинг шаклланганлик даражалари (касбий-мослашувчанлик, лойиҳалар-натижавий, политехнологик фикрлаш) ва сифат кўрсаткичларини баҳолаш (аксиологик, ижодий-когнитив, операцион-фаолиятли) мезонлари Блум таксомониясига биноан такомиллаштирилди.

5. Умумтаълим мактабларида кимё фанини касбга йўналтириб ўқитиш, электив ўқув курсларида политехнологик фикрлашни ривожлантириш, кимёвий билимлар асосида касбий дунёқарашни шакллантиришга қаратилган тажриба-синов ишларини математик-статистик ҳисоблашлар натижаси ўқувчиларда кимёвий билимлар асосида касбий дунёқарашни шакллантиришни ривожлантиришга ёрдам бериши борасидаги фикрнинг ҳаққонийлигини тасдиқлади.

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларида касбий дунёқарашни шакллантириш, уларни касбга йўналтириш жараёнида фанлар бўйича инвариант таълим методларни қўллаган ҳолда электив ўқув курсларини ташкил этиш;

2. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларида касбий дунёқарашни шакллантириш учун ўқитиш жараёнида ўқувчиларда политехнологик фикрлаш кўникмасини шакллантиришнинг “Устоз-шогирд” тизимини, виртуал лаборатория машғулотларини ўтказишга йўналтирилган электрон ўқув-услубий таъминотни такомиллаштириш.

3. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларида касбий дунёқарашни шакллантиришда политехнологик фикрлаш кўникмасини ҳосил қилишга оид ўқув методик адабиётлар, қўлланмалар ва электрон таълим ресурсларини яратиш ва амалда қўллаш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ЧИРЧИКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ**

**ЧИРЧИКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ**

ИСЛАМОВА МАФТУНА ШАРОФИДДИНОВНА

**МЕТОДИКА ФОРМИРОВАНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО
МИРОВОЗЗРЕНИЯ УЧАЩИХСЯ ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ШКОЛ
НА ОСНОВЕ ХИМИЧЕСКИХ ЗНАНИЙ**

13.00.02 – Теория и методика образования и воспитания (химия)

АВТОРЕФЕРАТ

диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам

Чирчик – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В 2020.4.PhD/Ped1958

Докторская диссертация выполнена в Чирчикском государственном педагогическом институте Ташкентской области.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме) на веб-странице Научного совета (www.cspi.uz) и на информационно-образовательном портале "ZiyoNET" по адресу (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Химматалиев Дустназар Омонович
доктор педагогических наук (DSc), доцент

Официальные оппоненты:

Файзиев Вохид Бахрамович
доктор биологических наук (DSc), доцент

Шерназаров Искандар Эргашович
доктор философии (PhD) по педагогическим наукам

Ведущая организация:

Наманганский государственный университет

Защита диссертации состоится «___» _____ 2021 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 при Чирчикском государственном педагогическом институте. (Адрес: 111720, Ташкент область, город Чирчик, улица Амира Темура, 104-й дом. Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41; e-mail: cspi-kengash@umail.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Чирчикского государственного педагогического института Ташкентской области (зарегистрирована за №___). (Адрес: 111720, Ташкентская область, город Чирчик, улица Амира Темура, 104-дом. Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2021 года.
(реестр протокола рассылки №___ от «___» _____ 2021 года).

Ж.Э.Усаров
председатель научного совета
по присуждению учёных
степеней, д.п.н. (DSc)

Д.М.Махмудова
ученый секретарь научного
совета по присуждению ученых
степеней, (PhD)

Р.А.Эшчанов
председатель научного
семинара при научном совете
по присуждению ученых
степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всем мире большое значение придается обеспечению успешной адаптации учащихся к техногенному развитию, целевой подготовке обучающихся в соответствии с реальными отраслями экономики, поэтапному формированию профессионального мировоззрения на основе расширения возможностей естественных наук. Большую актуальность приобретают формирование ценностной ориентации в преподавании учащимся специальных знаний, естественных дисциплин, в том химии, обеспечение органического соотношения системы объективного и субъективного отношения к профессиональной деятельности, формирование интеграции социально-экономической активности обучающихся и составляющих ее основу содержания учебных материалов. В формировании профессионального мировоззрения у учащихся в современных условиях преобладающее внимание уделяется принципу креативности, акмеологическому принципу и витагенному принципу.

В мире осуществляется ряд научных исследований, относящихся к развитию профессионального интереса и способностей учащихся на основе гуманитаризации естественных дисциплин, совершенствованию педагогической системы преподавания учебных дисциплин с профессиональной ориентацией на основе модульного подхода, разработке методики формирования профессионального мировоззрения у обучающихся на основе принципа обратной связи. Большое внимание уделяется обеспечению интеграции синхронного и асинхронного в преподавании общепрофессиональных дисциплин с профессиональной ориентацией, совершенствованию дидактических условий, основанных на интернальной мотивации в процессе формирования жизненных навыков на основе химических знаний. В том числе актуальное значение имеют дидактическое проектирование содержания вариативного образования, относящегося к целевой подготовке учащихся к профессиональной деятельности, совершенствование методического обеспечения профессиональной идентификации учащихся.

В нашей республике уделяется особое внимание внедрению вариативных учебных программ в систему общего среднего образования, внедрению инновационных форм целевого обучения профессиям учащихся. Вместе с тем определены такие приоритетные задачи, как “формирование у учеников здоровой, сильной и действенной мотивации к учебе с раннего возраста, а также развитие у них способностей выбора профессии, самостоятельного планирования профессионального роста, освоения современных профессий; привлечение крупных коммерческих предприятий к организации процесса профессионального обучения по востребованным на международном рынке и в сфере информационно-коммуникационных технологий специальностям”¹.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан УП-5712 от 29 апреля 2019 года “Об утверждении Концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года” // Национальная база данных законодательства, 29.04.2019 г., № 06/19/5712/3034

Это предполагает уточнение структуры и методических особенностей формирования профессионального мировоззрения учащихся, алгоритмических этапов усвоения химических знаний и применения их на практике, совершенствование методических условий формирования профессионального мировоззрения учащихся на основе химических знаний.

Диссертация в определенной степени служит реализации задач, определенных в Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан УП-5712 от 29 апреля 2019 года “Об утверждении Концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года”, ПП-3907 от 14 августа 2018 года “О мерах по поднятию на качественно новый уровень системы духовно-нравственного и физически гармоничного воспитания молодежи, ее обучения и воспитания”, ПП-4805 от 12 августа 2020 года “О мерах по повышению качества непрерывного образования и результативности науки по направлениям химия и биология”, Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан №187 от 6 апреля 2017 года “Об утверждении государственных образовательных стандартов общего среднего и среднего специального образования” и других нормативно-правовых актах, имеющих отношение к данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии республики. Настоящая диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. “Формирование системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурно, духовно-просветительском развитии информационного общества и демократического государства и пути ее реализации”.

Степень изученности проблемы. В нашей стране научные основы формирования мировоззрения у обучающихся исследованы такими учеными, как А.Боботаев, Р.Джураев, М.Мухамеджанова, Ш.Самиева, А.Турашбеков, А.Хатамов, вопросы совершенствования методики преподавания дисциплины Химия отражены в исследованиях таких ученых, как М.Ажиева, Ф.Алимова, Н.Анварова, Л.Зайлобов, Х.Мавлонов, Ш.Мамажонов, Ш.Миркомиллов, Х.Омонов, Н.Рахматуллаев, М.С.Шарипов, Э.Эшчанов, О.М.Ёриев, профессиональное ориентирование учащихся в процессе обучения и воспитания исследованы Р.Бакиевой, С.Сайитовым, О.А.Сманбаевым, А.Хаитовым.

Педагогическо-психологические основы формирования научного мировоззрения у учащихся школ в научном аспекте освещены такими учеными Содружества независимых государств (СНГ), как Е.Астрейко, С.И.Бекетова, А.Бортник, З.Воинкова, Р.Гайсин, И.Н.Голицына, А.Жохов, М.Захарян, Ф.Зейналова, Н.В.Колкова, И.Н.Сиземская, методические аспекты эффективного усвоения химических знаний изучены такие учеными, как Е.Артемяева, В.Я.Вивюрский, А.Грабецкий, О.Горбунова, О.Зайцев, Н.Кузьменко, В.Лаврова, В.Лунин, Т.Назарова, О.Рыжова, вопросы формирования профессионального мировоззрения учащихся исследованы такими учеными, как Р.Абдулгалимов, В.Борисов, С.Борисова, И.Гребенев, Т.Кафаров, Ю.Масленникова, В.Романова, Д.Тарасов.

Зарубежными учеными, такими как Russell Bertrand (Великобритания), A. Carlsson (Швеция), K. Rodjers (США), С. Shleti (США), освещены вопросы научного и философского мировоззрения, развития профессиональной идентификации у обучающихся.

Управление учебно-познавательной деятельностью учащихся общеобразовательных школ, процесс их профессионального ориентирования являются многофакторными процессами, имеющими своеобразные социальные, педагогические, психологические особенности. Несмотря на то, что осуществлено много научных исследований в области профессиональной ориентации учащихся школ, повышения интереса и способности к профессии, вопрос совершенствования методики формирования профессионального мировоззрения на основе химических знаний не был специально исследован.

Связь исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где была выполнена диссертация. Диссертация выполнена в рамках прикладного проекта 01-729. “Создание научно-теоретических основ инновационного кластера педагогического образования и разработка механизмов его внедрения на практике” (2018-2021гг.), согласно плану научно-исследовательских работ Чирчикского государственного педагогического института Ташкентской области.

